Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2017 йил 20 октябрь, № 212 (6906) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ «ИСЛОМ ҲАМЖИҲАТЛИГИ: ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН МИСОЛИДА» ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ ИШТИРОКЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 октябрь куни «Ислом ҳамжиҳатлиги: Ўзбекистон ва Озарбайжон мисолида» халқаро конференциясининг Кавказ мусулмонлари идораси раиси шайхулислом Оллоҳшукур Пошшозода бошчилигидаги иштирокчилари делегациясини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, ушбу конференция ташкил қилингани ва унинг ишида хорижий мамлакатлардан нуфузли делегациялар иштирок этгани жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, конфессияларо мулоқотни ривожлантиришга қаратилган халқаро ҳамкорлик тобора кенгайиб бораётганидан далолат эканини алоҳида таъкидлади.

Ҳамкорликдаги бундай саъй-ҳаракатлар жаҳонда муқаддас ислом динининг асл қадриятлари ва инсонпарварлик ғояларини тарғиб этиш, замонамизнинг халқаро терроризм ва экстремизм сингари таҳдид ва хатарларига қарши самарали курашишга қаратилгани қайд этилди.

Ўзбекистоннинг «Жаҳолатга қарши маърифат» — таълим олишнинг ҳамма учун очиқлигини таъминлаш, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам бериш каби принципиал ёндашувлари нуфузли халқаро форумларда бир неча бор билдирилди.

Ўзбекистон Президенти Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида «Маърифат ва диний бағрикенглик» махсус резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда бу йўналишда аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилмоқда, халқаро ҳамкорлик кенгаймоқда.

Хусусан, буюк аждодларимиз меросини ўрганиш ва уни келажак авлодларга етказиш мақсадида Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Тошкентда Ислом цивилизацияси маркази ташкил этилмоқда.

Учрашувда бугунги кундаги глобал жараёнлар, хавфсизлик ва барқарорликка нисбатан тобора кучайиб бораётган таҳдид ва хатарлар саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, конфессияларо ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришни тақозо қилаётгани қайд этилди. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни янада мустаҳкамлаш, таълимни ривожлантириш ва ёшларнинг ахлоқий тарбиясини юксалтириш масалалари муҳокама қилинди.

Кавказ мусулмонлари идораси раиси Оллоҳшукур Пошшозода самимий қабул учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга чуқур миннатдорлик билдирди, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Меҳмонлар мамлакатимизда бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат, эътиқод эркинлигини таъминлаш, динга эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган изчил ишларга юксак баҳо берди.

Халқаро конференция иштирокчилари тинчлик, тотувлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлаш йўлида Ўзбекистон Республикаси билан фаол мулоқот ҳамда кенг кўламли ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

ЎзА.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган суръат.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 октябрь куни Қирғизистон ташаббусига кўра, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари мулоқот аввалида Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоев ҳамда қардош қирғиз халқини жорий йил 15 октябрь куни президентлик сайловининг муваффақиятли ўтказилгани билан самимий муборакбод этди.

Умумхалқ сайлови натижалари Қирғизистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва рўй бераётган ўзгаришларга мамлакат аҳолиси юксак ишонч билдириши ва уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашидан далолат экани алоҳида қайд этилди.

Икки давлат раҳбарлари яқинда бўлиб ўтган олий даражадаги ўзаро ташрифлар чоғида эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни амалга ошириш борасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалаларини анъанавий дўстлик ва амалий руҳда атрофлича муҳокама қилди.

Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегараларининг қолган участкаларига оид тегишли шартномани ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш ва имзолаш жараёнини тезроқ якунлаш, шунингдек, чегара ўтказиш пунктларининг самарали фаолиятини таъминлашдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Транспорт-коммуникация тизимидаги ўзаро алоқалар, хусусан, шу ойнинг охирига режалаштирилган Тошкент — Андижон — Ўш — Иркештом — Қошғар йўналиши бўйича ҳамкорликда автомобиль қатновини синовдан ўтказиш муҳим аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоев Президентимиз Шавкат Мирзиёевга президентлик сайлови муносабати билан самимий табрик учун чуқур миннатдорлик билдирди.

Қирғизистон мамлакатларимиз ўртасида кенг кўламли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни бундан буён ҳам ривожлантиришга, дўстлик ва стратегик шериклик алоқаларини мустаҳкамлашга тайёр эканини таъкидлади.

ЎзА.

ЕТТБ тадбиркорлик субъектлари учун кредитлар тақдим этади

Ўзбекистон Республикаси ҳамда Европа тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида аввал эришилган келишувлар доирасида мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқларини молиялаштириш учун маблағ жалб этиш бўйича ишлар қизғин суръатда олиб борилмоқда.

ҲАМКОРЛИК

Бунда юртимиздаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, улар фаолиятини янада ривожлантириш учун кредит маблағларини ажратишга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Жорий йилнинг 18 октябрь куни Лондонда ЕТТБ Директорлар кенгаши томонидан Ўзбекистонда молиялаштириш учун иккита лойиҳа маъқулланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки учун 100 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линияси тақдим этиладиган бўлди. Ушбу маблағдан 70 миллион АҚШ доллари кичик бизнес вакилларини молиялаштиришни назарда тутса, 30 миллион АҚШ доллари савдо соҳасига йўналтирилади. Мазкур кредит мамлакатимиз кичик бизнес вакилларини, айниқса, ҳудудлардаги тадбиркорларни ўрта муддатли молиялаштириш имкониятини яхшилашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, "Agromir Juice" масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонага 10 миллион АҚШ доллари миқдорида кредит линияси тақдим этилади. Мазкур корхона мева шарбати, шарбат концентратлари, сабзавот пасталари ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган.

(Давоми 2-бетда).

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЗАМОНАВИЙ ТИЗИМ ЯРАТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 октябрь куни мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этди.

Мамлакатимизда миллий генофондни мустаҳкамлаш, ёш авлодни етук кадрлар этиб тарбиялаш масалаларига доимий эътибор қаратиб келинмоқда. 2017 йил 16 август куни бўлиб ўтган йиғилишда таълим тизимини ривожлантиришнинг кўплаб йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, мазкур муассасаларга болаларни тўла қамраб олиш бўйича муҳим вазифалар қўйилган эди.

Президентимизнинг жорий йил 30 сентябрдаги "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, бу соҳада янги тизим яратилди.

Янги вазирлик олдига мактабгача таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, мактабгача таълим муассасалари давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, мактабгача таълим муассасаларига болаларни қамраб олишни кескин ошириш, таълим-тарбия жараёнларига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш орқали болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-эстетик, жисмоний ривожлантириш ҳамда уларни мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш вазифалари қўйилди.

Йиғилишда шу борада амалга оширилаётган ишлар муҳокама қилинди.

Ҳаётимизда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган таълим-тарбия тизими ҳақида гапирганда, Абдулла Авлоний бобомизнинг доно фикрларини такрор ва такрор айтишга тўғри келади: таълим-тарбия — биз учун ҳаёт-мамот масаласидир, деди Президентимиз. Қайси соҳани олмайлик, биз замонавий етук кадрларни тарбияламасдан туриб бирон-бир ўзгаришга, фаровон ҳаётга эриша олмаймиз. Бундай кадрларни, миллатнинг соғлом генофондини тайёрлаш, аввало, мактабгача таълим тизимидан бошланади.

Мактабгача таълим тизими узлуксиз таълимнинг бирламчи, энг асосий бўғини ҳисобланади. Мутахассис ва педагогларнинг илмий хулосаларига кўра, инсон ўз умри давомида оладиган барча ахборот ва маълумотнинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврда олади. Ана шу далилнинг ўзи болаларимизнинг етук ва баркамол шахс бўлиб вояга етишида боғча тарбияси қанчалик катта аҳамиятга эга эканини яққол кўрсатиб турибди.

Бунга қўшимча исбот қидириб узоққа боришнинг ҳожати йўқ. Боғча тарбиясини олган бола билан боғчага бормаган болани солиштирганда, уларнинг фикрлаш даражаси ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини сезиш қийин эмас.

Шунинг учун ҳам биз мактабгача таълим тизимини қайта кўриб чиқиш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтариб, бу борада катта ишларни бошладик. Агар шу ишни ҳар томонлама пухта ўйлаб амалга оширмасак, бутун таълим тизимида сифат ўзгаришига эришишимиз, таълимнинг узлуксизлигини таъминлашимиз қийин бўлади, дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Бугунги кунда мактабгача таълим муассасалари тармоғини кенгайтириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янги боғчалар қуриш бўйича давлат дастури қабул қилиниб, амалга оширилмоқда. Ривожланган давлатлар тажрибаси ҳисобга олиниб, нодавлат таълим муассасалари, жумладан, нодавлат боғчалар тармоғини кенгайтиришга ҳам катта аҳамият қаратилмоқда. Бу эса тизимда соғлом рақобатни шакллантириш ҳамда таълим хизматлари турини кўпайтиришга хизмат қилади.

Мактабгача таълим соҳасига ихтисослашган кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Биз қабул қилаётган барча-барча қарорларни амалга оширадиган, фарзандларимизга билим асосларини, энг зарур ҳаётий тушунча ва кўникмаларни ўргатадиганлар юқори малакали тарбиячи ва мураббийлардир, дея таъкидланди йиғилишда.

Бу соҳада замонавий талабларга жавоб берадиган илғор педагогик усул ва услубларни ишлаб чиқиш, ўқув ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодини яратиш ва нашр этиш ҳам ғоят долзарб вазифадир.

Яна бир муҳим масала, бу — мактабгача таълим муассасаларида малакали тиббий хизматни ташкил этиш, санитария меъёрлари ва гигиена қоидаларига тўла жавоб берадиган соғлом овқатланиш тизимини йўлга қўйиш зарур.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва бошқа тегишли идораларга ҳар бир масала юзасидан аниқ муддатлари кўрсатилган ҳолда муҳим топшириқ ва вазифалар берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар, вилоятлар мактабгача таълим бошқармалари ҳамда туманлар (шаҳарлар) мактабгача таълим бўлимларини бинолар ва юқори малакали кадрлар билан таъминлаш зарурлиги қайд этилди.

Илғор хорижий тажрибалар асосида мактабгача таълим тизимидаги педагог кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув-режа ва дастурларни такомиллаштириш, олий таълим муассасалари махсус сиртқи бўлимларининг "Мактабгача таълим" йўналиши бўйича 2018 — 2023 йиллар учун квоталар ажратиш масаласига эътибор қаратилди.

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида "Болаларни давлат мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш ва навбатга қўйиш бўйича электрон дастур"ни жорий этиш бўйича топшириқ берилди. Шунингдек, давлат мактабгача таълим муассасаларининг ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминланганлик ва интернет тармоғига уланганлик ҳолати танқидий ўрганилиб, уларни босқичма-босқич замонавий компьютер техникаси билан таъминлаш ва интернет тармоғига улаш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилади.

Мактабгача таълим муассасаларига шифокорлар ажратиш, тиббиёт ҳамшираларининг малакасини ошириш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун дори-дармон, санитария-гигиена воситалари билан тўлиқ таъминлаш, болаларнинг овқатланишини белгиланган меъёрлар даражасида ташкил этиш зарурлиги таъкидланди.

Мактабгача таълим муассасаларига мўлжалланган ўқув-методик ва дидактик адабиётларни нашр этишга доир стандартларни қайта кўриб чиқиш ва тасдиқлаш масаласига ҳам эътибор қаратилди.

Бир сўз билан айтганда, биз мактабгача таълим соҳасида ҳар жиҳатдан замонавий тизим яратишимиз керак, деди давлатимиз раҳбари. Келгуси 3-4 йилда 5-6 ёшдаги барча болаларни мактабгача таълимга тўлиқ қамраб олишга эришмоғимиз шарт. Бу эртанги кунимизни ҳал қиладиган масала ва биз буни, албатта, амалга оширамиз.

Йиғилишда соҳа олдида турган долзарб вазифалар белгилаб берилди.

ЎзА.

ДЕПУТАТЛАР ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишига мувофиқ, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш мамлакатимизни янада тараққий топтиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу ҳужжатда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатлари, уларнинг одил судловдан фойдаланиш ҳуқуқи, суд ишларини юритиш самарадорлиги ҳамда сифати даражасини ошириш суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотларнинг ҳал қилувчи йўналишлари сифатида мустаҳкамлаб қўйилган.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонларининг қабул қилиниши суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасидаги муҳим қадам бўлди, шунингдек, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтганлигини ифодалади. Ягона олий суд органи, ихтисослаштирилган судлар, хусусан, иқтисодий ва маъмурий судлар ташкил этилди ҳамда ушбу соҳадаги кадрларни танлаб олиш ва тайинлаш жараёни такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг жорий йил 12 апрелда қабул қилинган «Судлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ва Хўжалик процессуал кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан бир қатор қонун лойиҳалари тайёрланди ҳамда парламентнинг қуйи палатасига киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2017 йил 19 октябрь куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида депутатлар ушбу қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.

Депутатлар ўз ишини «Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқишдан бошладилар. Кодекс лойиҳасида барча сўнгги янгиликлар, шу жумладан, судлар ишининг замонавий инновацион услублари, суд мажлисини аудио ва видео тарзида қайд этиш назарда тутилган. Бундан ташқари, иқтисодий суд ишларини юритишда иштирок этувчи шахслар рўйхатини кенгайтириш таклиф қилинмоқда. Чет эл судлари ва арбитражларининг қарорларини тан олиш ҳамда ижрога қаратиш тўғрисидаги ишларни, шу билан бирга, юридик аҳамиятга эга фактларни белгилаш ҳақидаги ишларни кўриш тартибини назарда тутувчи боблар киритилаяпти.

(Давоми 2-бетда).

ДЕПУТАТЛАР ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Низоларнинг тезда кўриб чиқилишини таъминлаш мақсадида судда кўрилишга тегишлиликнинг умумий қоидаси ўзгартирилмоқда. Чунончи, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан даъво аризалари судга уларнинг рўйхатга олинган жойи бўйича берилади, ундан ташқари, келишув тартиб-таомилларига бағишланган янги боб киритилмоқда.

Шундан сўнг «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексини тасдиқлаш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Депутатлар ушбу қонун лойиҳасида бир тарафдан, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари ҳамда бошқа тарафдан — жисмоний ва юридик шахслар, ташкилотлар ўртасидаги оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар бўйича иш юритиш тартибини қатъий белгилайдиган қонун ҳужжатлари қоидаларини бирхиллаштириш назарда тутилаётганлигини таъкидладилар.

Мажлис иштирокчилари қайд этганларидек, бугунги кунда маъмурий суд ишларини юритиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари қоидаларини бирхиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни яратиш ғояси ўзига хос долзарб ва муҳим аҳамият касб этмоқда.

«Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш давомида депутатлар Фуқаролик процессуал кодексининг тузилиши ўзгартирилганлигини таъкидладилар. Жумладан, ушбу кодекс лойиҳаси янада қулай шаклда ва мантиқий кетма-кетликда баён этилган. Мавжуд ҳуқуқий камчиликларни тўлдириш мақсадида фуқаролик суд ишларини юритишнинг процессуал қоидалари анча батафсил тартибга солинган. Фуқаролик процессуал кодексини тайёрлаш жараёнида хорижий давлатларнинг, хусусан, Германия, Франциянинг ва МДҲнинг бир қатор мамлакатлари фуқаролик процессуал қонун ҳужжатлари ўрганиб чиқилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, лойиҳада протест келтириш тўғрисидаги аризаларни назорат тартибида кўриб чиқишнинг янги тартиби назарда тутилган бўлиб, унга мувофиқ, бундай аризани қабул қилиш ёки уни назорат тартибида кўриб чиқишни рад этиш судьянинг ажрими асосида ҳал қилинади ҳамда ушбу ажримга Олий суд раиси ёки унинг ўринбосарлари норозилик билдиришлари мумкин. Бундай ҳолатда иш аризани кўриб чиқиш учун назорат инстанциясининг судига ўтказилади.

Фуқаролик процессуал кодексига киритилиши назарда тутилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар келгусида биринчи суд инстанцияларида ишни қайта-қайта кўриб чиқиш ҳолларининг олдини олиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, фуқаролик ишидаги тарафларнинг бузилган ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлайди.

Биринчи ўқишда кўриб чиқилган мазкур қонун лойиҳалари суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини янада таъминлашга, улар фаолиятининг самарадорлигини ва обрў-эътиборини оширишга қаратилганлиги депутатлар томонидан қайд этилди.

Умуман олганда, қизиқарли баҳс-мунозара руҳида ўтган мажлисда депутатлар биринчи ўқишда қабул қилинган қонун лойиҳаларига ўз нуқтаи назарларини билдирдилар.

Мажлисда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.

ФАХР

Жорий йилнинг 10 — 17 октябрь кунлари Буюк Британиянинг Брекон шаҳрида қўшин разведкачилари ўртасида ўтказилган "Кембрия патрули" халқаро танловида Ўзбекистон вакиллари муносиб иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги матбуот хизматидан олинган маълумотга кўра, 29 давлатдан 139 жамоа қатнашган ушбу мусобақада мамлакатимиз ҳарбий хизматчилари билан бирга, Арманистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Молдова ва Филиппин қўшин разведкачилари илк бор ўз маҳоратини намойиш қилди.

Ҳарбийларимиз "Кембрия патрули" халқаро танловида совриндор бўлди

"Кембрия патрули" ҳарбий йўналишдаги энг мураккаб ва нуфузли халқаро танловлардан бири бўлиб, қарийб 40 йилдан буён уюштириб келинади. Унда ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратилади ва мутахассислар буни махсус бўлинмаларга қабул қилиш жараёни билан қиёслашади.

Кембрия тоғлари жуда оғир иқлим шароити билан ажралиб туради. Қуёш деярли кўринмайди, ҳар замон ёмғир шиддат билан ёғади, ҳудуди ботқоқлик ва ўрмондан иборат, ўтишга қийинчилик туғдиради. Шу боис мусобақада қатнашаётган кўплаб жамоалар финалга етиб бора олмай, баҳсларни эрта тарк этишади.

Юқорида мазкур танловни мураккаб, дея таърифладик. Хўш, бу нималарда кўринади? Белгиланган шартларга мувофиқ, ҳарбий хизматчилар курол-аслаҳаларни тақиб, 25 килограмм юк билан навигация воситаларисиз Кембрия тоғлари бўйлаб 65 километр масофага пиёда юришади. 1000 метрдан юқори баландликлар ва 750 метргача бўлган пастликларга рўбарў келишади. Ана шу жараёнларда ҳар бир жамоа тоғли ҳамда сув тўсиқларидан ўтиш, ҳудуд разведкасини олиб бориш, шартли душман жойлашган ҳудудни аниқлаш ҳамда уларни йўқ қилиш бўйича ўқув-жанговар операцияларни, шартли ярадорларга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, ноқонуний кучлар томонидан гаровга олинганларни озод этиш, оғир шароитли тоғли ҳудудларда пистирмалар қўйиш каби вазифаларни бажаради. Шу орқали танлов иштирокчиларининг иродаси, руҳий ҳолати, етакчилик, чидамлилик қобилиятлари синовдан ўтказилади.

Мусобақа якунида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги қўшин разведкачиларидан иборат жамоа, гарчи илк бор мазкур танловда қатнашганига қарамай, Италия жамоаси билан бирга фахрли иккинчи ўринни эгаллади (танлов шартига асосан, ҳар бир совринли ўрин иккита жамоага берилади).

"Кембрия патрули"нинг ғолиблиги ва учинчи ўрин 111 жамоа билан иштирок этган Буюк Британия ҳарбий хизматчиларига насиб қилди.

Танлов ғолиб ва совриндорлари ташкилотчилар томонидан эсдалик медаллари ҳамда фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Айтиш жоизки, бу Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги қўшин разведкачиларининг халқаро мусобақалардаги дастлабки муваффақияти эмас. Шу йилнинг 29 июль — 12 август кунлари Новосибирск шаҳрида (Россия) ташкил қилинган III Халқаро армия ўйинлари дастуридаги "Қўшин разведкаси аълочилари" танловида ҳамюртларимиз юксак маҳорат кўрсатиб, учинчи поғонани банд этишган эди.

Шавкат ОРТИҚОВ тайёрлади.

ЕТТБ тадбиркорлик субъектлари учун кредитлар тақдим этади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу кредит кўмагида Самарқанд вилоятида замонавий омбор мажмуаси қурилади. Молиявий кўмак компанияда ягона бошқарув тизимини жорий этиш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда айни муддао ҳисобланади.

ЕТТБ вакили сўзларига кўра, Директорлар кенгашининг қарори, ҳақиқатан ҳам, тарихий воқеа ҳисобланади. Чунки илгари муайян давлат бўйича Мамлакат дастури тасдиқланмагунича, бундай лойиҳаларни молиялаштириш маъқулланмас эди. Таъкидланишича, ушбу ҳолат Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг қўламли ва жадал ислоҳотларга юқори баҳо берилаётганидан далолатдир.

Жорий йилнинг ноябрь ойида Европа банкининг биринчи вице-президенти Ф. Беннетнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи чоғида мазкур маъқулланган лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоевнинг сўзларига кўра, бу ЕТТБ томонидан молиялаштирилаётган лойиҳаларнинг фақат бошланиши, холос. Ҳозирги вақтда ушбу молия институти томонидан Ўзбекистоннинг тегишли вазирлик ва идоралари билан биргаликда, ЕТТБнинг Ўзбекистон бўйича Мамлакат дастури лойиҳаси ишлаб чиқилаяпти. Мазкур дастур банкнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш имконини беради.

Қобил ХИДИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Савдо-иқтисодий муносабатлар янада мустаҳкамланади

Ўтган йил якунлари бўйича Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, келгусида ушбу кўрсаткични 5 миллиард АҚШ долларига етказиш кўзда тутилган. Бу ҳақда пойтахтимизда ўтказилган Ўзбекистон — Қозоғистон бизнес форумида маълумот берилди.

БИЗНЕС-ФОРУМ

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан "Kazakh Invest" компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, қурилиш, озиқ-овқат, фармацевтика, кимё, енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган йирик компаниялари вакиллари, тадбиркорлик субъектлари қатнашди.

Форумда сўзга чиққанлар икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар барча соҳа, хусусан, савдо-иқтисодий алоқалар ривожида ҳам муҳим омил бўлаётганини таъкидладилар. Юртимизда Қозоғистон Республикаси капитали иштирокида 200 дан ортиқ корхоналар ташкил этилган бўлиб, улар кон-металлургия, машинасозлик, савдо, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати, соғлиқни сақлаш, электротехника каби иқтисодиётнинг муҳим тармоқларида фаолият кўрсатаяпти.

— Ўзбекистон Қозоғистоннинг ишончли стратегик ҳамкорларидан биридир, — дейди "Kazakh Invest" миллий компанияси директори Аскар Аринов. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик яхши қўшничилик, ўзаро ҳурмат анъаналари билан узвий боғланган. Бугунги анжуман иқтисодий муносабатларни янада ривожлантириш, янги савдо йўлларини очиш ва истиқболли қўшма корхоналар фаолиятини йўлга қўйишда мустаҳкам пойдевор яратади, деган умиддамиз.

Анжуманда ўзаро манфаатли меморандум ва шартномалар имзоланди.

— Бизнинг компаниямиз электр тақсимлагич ускуналарини ишлаб чиқариш, шунингдек, электр станцияларини лойиҳалаштириш ҳамда йиғиш билан шуғулланади, — дейди "Alageum Electric" компанияси савдо бўйича менежери Эльдар Бекмуратов. — Форум доирасида Ўзбекистоннинг турли соҳалардаги улкан салоҳияти ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлдик ва келишувга ҳам эришдик. Мисол учун, мамлакатингизда фаолият кўрсатаётган "Chirchiq Transformator Zavodi" акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда умумий қиймати 6 миллион АҚШ долларилик юқори кучланишли электр тақсимлагич ускуналарини ишлаб чиқариш бўйича меморандум имзоладик.

Тадбир якунида республикамиздаги қатор компания ва корхоналар ҳамда қозоғистонлик ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация биржаси бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат тадбиркорлари ўзаро савдо айланмасини ошириш, истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, янги қўшма корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш борасида келишиб олишди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли фуқаросиман!»

Шу юртда яшаб, унинг тўлақонли фуқароси сифатида Конституциямизда ўз ифодасини топган ҳуқуқ ва эркинликлардан баҳраманд бўлиш, бурч ҳамда мажбуриятларни теран англаган ҳолда, улкан ўзгариш ва янгиланишларга дахлдорлик ҳисси билан яшаш завқини сўз билан таърифлаш мушкул.

Президентимиз Фармони асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилинган етти нафар самарқандлик юртдошимиз бугун ана шундай фахру ифтихор туйғуларини юрак-юракдан туйишмоқда, десак, муболаға бўлмайди.

Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

ФАРМОН ВА ИЖРО

Зеро, уларга фуқаролик паспортини тантанали топшириш-га бағишлаб ўтказилган тадбирда билдирилган самимий дил изҳорлари, юз-кўзларда акс этган ажиб ҳаяжондан бу-ни билиш қийин эмасди.

Кенг жамоатчилик вакиллари қатнашган маросимда Самарқанд вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Т. Жўраев ва бошқалар мамлакатимизда фуқаролиққа қабул қилиш қонунийлик, инсонпарварлик ва ижтимоий бағрикенглик тамойиллари асосида амалга оширилаётганини таъкидладилар. Барча ислоҳотлар замирида инсон манфаатлари устувор эканини алоҳида эътироф этдилар.

— Тақдир тақозоси билан Тожикистондан кўчиб келиб, Самарқанд шаҳрида яшаётганимизга 25 йил бўлди, — дейди Ғуломжон Ғаниев. — Фуқаролигим йўқлиги юрагимда армон эди. Ўзбекистон фуқароси бўлишни орзу қилардим. Бугун ана шу орзуим рўёбга чиқди. Мен, шунингдек, икки укам — Зойиржон ва Наимжон Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик паспортини олдик. Энди шу табаррук юртнинг тенг ҳуқуқли фуқаросимиз. Бунинг учун Президентимиздан беҳад миннатдормиз. Бу жуда катта ишонч. Уни оқлаш учун жонажон Ватанимиз тараққиёти йўлида астойдил, фидойилик билан меҳнат қиламиз.

Акрам ҲАЙДАРОВ.

АНЖУМАН

Бухорода "Ёқилғи-мойлаш материаллари кимёси ва технологияси соҳасида инновацион ишланмалар" мавзуида II халқаро илмий-техникавий анжуман ўтказилмоқда.

Инновацион ишланмалар

нефтни қайта ишлаш соҳаси ривожини жадаллаштиради

Ўзбекистон Фанлар академияси, Фан ва технологиялар агентлиги, "Ўзбекнефтгаз", Бухоро ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводлари, мамлакатимиздаги бир қатор олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда Россия, АҚШ, Жанубий Корея каби бир қатор давлатларнинг соҳага алоқадор етакчи компаниялари вакиллари, олим ва мутахассислар, талабалар қатнашаяпти.

Мустақиллик йилларида нефть ва газ саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи бўғинларидан бирига айлангани таъкидланди. Соҳага илм-фаннинг илғор ютуқларини жорий қилиш, бу борада дунёнинг ривожланган давлатлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, тизим учун малакали кадрлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани эътироф этилди.

— Илк бор 2015 йилда Фарғонада ўтказилган шундай конференция соҳа мутахассисларида катта қизиқиш уйғотганди, — дейди Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг техник бўлими бошлиғи Хуршид Латипов. — Ҳукуматимизнинг тегишли қарорига мувофиқ, ушбу тадбир ҳар икки йилда бир маротаба уюштириладиган анъанавий анжуман мақомини олди. Ғалдаги халқаро конференция мамлакатимиз нефтни қайта ишлаш саноатига инновацион технологияларни жадал татбиқ этишга туртки беради, фан ва амалиёт уйғунлигини таъминлашда қўл келади.

Айтиш жоизки, илғор техникавий ишланмалардан самарали фойдаланилаётганлиги Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида жаҳон стандартлари даражасидаги маҳсулотларни тайёрлаш имконини бермоқда. Хусусан, корхонада яқинда маҳаллий мутахассислар томонидан пропинли совитиш маҳсулоти ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. У айни пайтда экспорт ҳам қилинмоқда. Яна бир далил. Истиқлол шарофати билан саҳро бағрида қад ростлаган завод ўз фаолиятини беш хилдаги маҳсулот ишлаб чиқариш билан бошлаган эди. Ҳозирги кунда эса 15 турда ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари тайёрланмоқда. Бу соҳага инновацион ишланмаларнинг жорий этилаётгани натижасидир.

— Шундай нуфузли анжуманда қатнашаётганимдан мамнунман, — дейди Жанубий кореялик мутахассис Зиир Ким. — Тадбир ўзаро тажриба алмашиш, соҳага илғор технологияларни жалб қилиш ва бу борада юртингиз қайта ишлаш корхоналари билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш нуқтаи назаридан жуда фойдали, деб ўйлайман.

Конференция иштирокчилари ўзаро фикр алмашиб, ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш борасида келишиб олмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ҲУДУДЛАРДА ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

секторлар "йўл харитаси"нинг мазмун-мундарижасини ташкил этмоқда

Юқори Чирчиқ тумани бир томондан пойтахтимизга, иккинчи тарафдан Чирчиқ шаҳрига туташ. Бунинг, албатта, қатор қулайликлари бор. Аммо муаммолари ҳам йўқ эмас. Хусусан, туман аҳолисининг меҳнатга лаёқатли қатлами, айниқса, ёшларнинг аксарияти салмоқли даромад топиш илинжида қўшни шаҳарлардаги корхоналарда ишлайди.

Ёшлар шу тариқа шаҳарларга интиларса, қишлоқларни ким обод қилади? Чекка ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи қачон ўнгланади? Демак, Юқори Чирчиқ туманида ҳам шундай ишлаб чиқариш объектларини ташкил этиш керакки, имконияти, шароити ва моддий рағбатдан кўнгил тўлсин. Саноат ривожланган жойда эса ижтимоий-иқтисодий аҳвол яхшиланади.

Туманда ҳоким, прокуратура, ички ишлар тизими, давлат солиқ инспекцияси раҳбарлари ўзларига бириктирилган ҳудудларда аҳоли билан учрашиб, хонадонларда бўлиб, одамларнинг муаммолари билан қизиққанида, кўпчилик ана шу фикрларни ўртага ташлади. "Шижоат" маҳалла фуқаролар йиғинида ўтган очиқ мулоқотда ҳам айни масалага урғу берилди.

Тўғри, туман ҳокими етакчилигидаги биринчи секторга тегишли ҳудудда ишлаб чиқариш корхоналари сони оз эмас. Масалан, гўшт маҳсулотларини қайта ишлайдиган "Тегин", нон маҳсулотлари тайёрланадиган "Морской берег", қурилиш маҳсулотларига, паррандачиликка йўналтирилган корхоналарда кўплаб ёшлар меҳнат қилмоқда. Қолаверса, кичик бизнес субъектлари сафи ҳам кенгайиб бораяпти.

Сектор ҳудудидаги 7 минг 651 хонадонда 476,7 гектар томорқа ерлари мавжуд. Арғанчалик Йўлдош Таслимбоевнинг томорқадан фойдаланиш тажрибасидан намуна олса арзийди. Ишнинг кўзини билган бу инсон 6 сотих майдонда лимон ҳосили ва лимон кўчатлари етиштириб, ҳар йили 25 миллион сўмдан зиёд даромад олмоқда. Унинг кўшнилари Дилшод Абдуқодиров, Ойниса Қорабова, Нурмамат Икромов ҳам томорқа даромад манбаи эканини амалда исботламоқдалар. Лекин бу қишлоқнинг фаровонлигини, ободлигини ошириш учун етарли эмас. Ҳудудда янги замонавий корхоналарга эҳтиёж бор. Сектор ишчи гуруҳи аъзолари аҳоли томонидан билдирилган бу ва бошқа қатор таклифларни, муаммоларни "йўл харитаси"га киритдилар.

Айни вақтда ишчи гуруҳи ҳудуддаги уюшмаган ёшларнинг, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш устида иш олиб бормоқда. Уларнинг бир қисми туманда мавжуд корхоналарга, яна бир қисми 190 та фермер хўжалигига ишга жойлаштирилди. Кичик бизнес субъектларини ташкил этиш истагидаги ёшларга йўл-йўриқлар кўрсатилаяпти.

2017 ЙИЛ — ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ВА ИНСОН МАНФААТЛАРИ ЙИЛИ

Тумандаги "Гулистон" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган биринчи сектор штаби ҳамиша гавжум. Бу ерда туну кун навбатчилик йўлга қўйилган. Ишчи гуруҳи аъзолари аҳолининг наинки муаммо ва ҳаётий ташвишлари, балки таклиф-мулоҳазаларига ҳам алоҳида диққат қаратаётир.

Жумладан, аҳоли Арғанча, Суренкент, Янгибозор ҳудудларида болаларни мактабгача таълим муассасаларига қамраб олиш даражасини ошириш борасида таклиф билан чиқди. Сектор ҳудудида 14 та мактаб, 2 та касб-ҳунар коллежи фаолият юритаётган бир пайтда мактабгача таълим муассасаси сони бор-йўғи 3 та экани, чиндан ҳам, таассуфли.

Шуни инобатга олган ҳолда, сектор ҳудудидаги "Шодлик", "Нурли йўл", "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғинларидаги бўш биноларни мослаштириш орқали учта боғча ташкил қилиш ишлари бошлаб юборилди. Бу муассасаларни йил охиригача фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Бундан ташқари, сектор ҳудудидаги Ўзбекистон, Шижоат, Янги ҳаёт, Нурли йўл, Усмонобод маҳаллаларида 2 километр узунликдаги ички йўллар асфальтланди. 14 та трансформатор мукаммал таъмирланди, 28 та симёғоч янгиланди.

Ҳудудда бешта кўп қаватли уй мавжуд бўлиб, уларда 54 та оила истиқомат қилади. Бу уйларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш юмушлари ҳам тўлиқ якунланди. Ушбу мақсад учун 6,5 миллион сўм сарфланди.

Секторнинг ишчи гуруҳи ва жамоатчилик кенгаши аъзолари эҳтиёжманд оилалар оғирини енгил қилишга жиддий ёндашмоқда. Жумабозор маҳалласида ўнта кам таъминланган оилага арзон тураржойлар қуриб берилгани бунинг далилидир.

Дарвоқе, тумандаги қолган уч сектор фаолияти қай даражада натижадор, деган савол туғилиши табиий. Айтиш лозимки, улар ўртасида соғлом рақобат муҳити юзага келган. Халқнинг турмуш фаровонлигини ошириш, ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш каби долзарб йўналишларда биринчи сектор томонидан бажарилаётган ибратли ишларни қолганларида ҳам кузатиш мумкин.

— Президентимиз ғояси ва ташаббуси билан яратилган ҳудудларда ишни ташкил этишнинг мутлақо янги тизими ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ечимини кутаётган масалаларни ҳал қилишнинг ғоятда самарадор омили экани амалий тасдиғини топмоқда, — дейди халқ депутатлари Юқори Чирчиқ тумани Кенгаши депутати Нуржамол Умирова. — Масалан, биринчи сектор ишчи гуруҳи томонидан олиб борилган ўрганишлар натижасида одамларнинг эътирозларига сабаб бўлаётган 800 дан ортиқ муаммолар аниқланди. Уларнинг 313 таси жойида ҳал этилган бўлса, қолгани "йўл харитаси"га киритилди. Асосийси, муаммолар қоғозда эмас, амалда бартараф қилинаётгани фуқароларнинг давлат идораларига бўлган ишончини оширмоқда.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

21 ОКТЯБРЬ — “ДАВЛАТ ТИЛИ ҲАҚИДА”ГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

Одам боласи, энг аввало, тил, шуур ва меҳр сингари беназир неъматларга соҳиб бўлгач, у инсон деб аталмиш улуғ рутбага эришган. Тил миллатнинг бош белгиси, халқ ақлий ва руҳий дунёсининг холис ойнаси, Ер юзидаги барча мавжуд махлуқотни инсон ҳамда ҳайвон мақомида фарқловчи буюк ва бемисл мезондир. Бинобарин, инсон бошқа мавжудотлардан ақлий, маънавий ва маданий оламга эгалиги билан фарқ қилади. Бобокалонимиз Алишер Навоийнинг “Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин, Билки гуҳари шарифроқ йўқ ондин” байтида бу ҳақиқат бетакрор тарзда ифода этилган.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ, МИЛЛИЙ ОНГ ВА ТАФАККУР ИФОДАСИ

Неча-неча минг йилликлар билан ўлчанувчи башарият тарихи гувоҳки, одамзод югурик замон ичра минг бир машаққат билан такомилу тўкислик отлиқ олий ҳадаф сари интилади. Аммо тўкисликнинг, такомилнинг чеку чегараси йўқ, у интиҳо билмас жараёндир. Шубҳасиз, бу тадрижий жараённинг битта қудратли ҳаракатлантирувчи кучи бор. Бу куч таърифини улуғ мутафаккир бобомиз Алишер Навоийдан ўтказиб, ҳеч ким айтолган эмас: “Ҳар ишки қилмиш одамизод, Тафаккур бирла билмиш одамизод”. Албатта, тафаккурни воқелантирадиган, унга фақат шамойилгина эмас, балки аниқ ўзан бахш этадиган қудрат тилдир. “Миллий тафаккур”, “миллий онг”, “миллий маънавият”, “миллий маданият”, “миллий характер”, “миллий менталитет” каби кўпдан-кўп урфга кирган истилоҳлар англатган тушунчаларнинг мағзу моҳиятида она тили ётганлигини англамасликнинг иложи йўқ. Тилсиз тафаккур ва тафаккурсиз тилнинг мавжуд бўлиши асло мумкин эмас.

Тил миллий тафаккур тарзини тайин этади ва мутлақо таносибий бир интизомда тафаккур такомили тилнинг тадрижий тараққиётини таъминлайди. Бу ўринда шундай бир бадиий қиёсга эҳтиёж сезилади. Бундан эллик йиллар илгари ҳассос сўз санъаткори Эркин Воҳидовнинг “Гўзаллик” деган шундай мўъжаз бир шеъри эълон қилинганди:

Мулки борлиқ ичра бир маҳал
Кўрксизгина олам яралган,
Бермоқ учун дунёга сайқал
Олам аро одам яралган.
Шундан бери инсон тинмайин
Шу ер узра тер тўкар ҳамон.
Ерни гўзал қилгани сайин
Гўзал бўлар ўзи ҳам инсон.

Чиндан ҳам, “кўрксизгина олам”га “сайқал бериб”, “уни гўзал қилиши” баробарида, “инсоннинг ўзи ҳам гўзал бўлиб бориши” беҳад теран ва таранг ҳақиқат, одам оламни гўзал қилади, айни пайтда гўзал олам одамни гўзал қилади. Тил ва тафаккур ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ҳам шу тарзда тасаввур қилиш мумкин, яъни тил расолашган сари тафаккур, тафаккур расолашган сари тил расолик касб этиб боради. Албатта, расолик тадриж ва такомил натижаси ўлароқ юзага келади. Айтиш лозимки, инсоният камолотида, унинг тафаккури, тасаввури ва тахайюли

Хасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

парвозида тилнинг беқиёс омил эканлиги бугун эътироф этилган ҳақиқатлардандир.

Тил кишилар ўртасидаги шунчаки алоқа воситасигина эмас, у миллатнинг дунёни кўрар кўзи, эшитар қулоғи, англар ақлидир. Ҳар бир халқнинг бошқалардан фарқли миллий нигоҳи бор, ҳар бир тил вакили муайян товушни бошқасидан фарқли эшитади. Тил бу синоатли оламни мунтазам инкишоф қилишнинг бирламчи қудратли қуролидир. Шунинг учун ҳам жадид боболаримиз ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган “ойинаи ҳаёти” унинг тили ва адабиёти эканлигини таъкидлашган. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзларида айни шу борадаги чўнг ва сўнг ҳақиқат ўзининг ёрқин тажассумини топган: “...Ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккурнинг ифодаси, авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик тил орқали намоён бўлади. Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили — бу миллатнинг руҳидир”.

Атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов “Авезов ҳақида сўз” (1977 й.) номли мақоласида “Тил халқнинг автопортретидир” деган беҳад теран образли гапни айтган. Чиндан ҳам, масалан, ўзбек тили ўзбек халқининг сийрату суратини, тафаккур ва тахайюл оламини, ўтмишу бугунини борича акс эттирадиган ва, асрамоққа, янада камолот сари элтмоққа шоён муҳташам бойликдир.

Шунинг учун ҳам бу бойлик синоатларини ўрганиш, бу синоатларни болаликдан, ёшликдан эгаллаш жамиятда қадим даврлардан ақл эгаларини ўйлатган. Ер юзидаги энг кўҳна муассасалардан бўлмиш мактаб қадим Шарқ бағрида таваллуд ва камол топган. Эрамиздан олдинги учинчи мингйилликларнинг бошида, демакки, бундан беш минг йиллар бурун қадимги Шумерда мактаблар фаолият кўрсатган ва бу мактабларнинг таълим дастурларида икки асосий таянч мавжуд бўлиб, уларнинг бири — математика, иккинчиси эса она тили ҳисобланган. Уларнинг бири қорин қайғуси эҳтиёжи учун, иккинчиси — тил таълими эса руҳ, яъни қадр қайғуси талабини қондиришга хизмат қилган.

Ўзбекистонда, мана, 28 йилдирки, “Давлат тили ҳақида”ги Қонун амалда. Халқимиз тарихидаги бу буюк воқеа илдизлари неча минг йилликларга бориб тақалувчи тилимизнинг қарийб бир ярим аср мобайнида топталган табиий ҳақ-ҳуқуқларини тиклади, истибдод қуюшқонларини чок-чокидан сўкиб ташлади, эмин-эркин тараққиёт йўлларини очди.

Бугун ўзбек тили ана шундай муҳтарам тил сифатида тараққий топиб, бойиб, янада рангинлашиб бормоқда. Ўзбек тилини ўрганиш, ўргатиш, тадқиқ ва тарғиб этиш борасида бениҳоя кўламли ишлар амалга оширилди. Она тили бўйича дарсликлар тубдан ислоҳ қилинди, уларнинг янги авлодлари яратилди, бу йўналишдаги ишлар тадрижий тарзда давом эттирилмоқда. Жамият ҳаётидаги ҳар қандай ўзгариш, энг аввало, тилнинг луғат бойлигида ўз ифодасини топади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда истиқлол йилларида юз берган кўламли ўзгаришлар, янгиланишлар, эврилишлар, бунёдкорликлар боис тилимиз сўз захирасида кечган фаол жараёнларни акс эттирувчи беш жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” яратилди. Албатта, ҳали қилинадиган ишлар жуда кўп, қадимий ва бой тилимизнинг бетакрор имкониятларини тўлиғича инкишоф қилувчи хилма-хил тадқиқотлар, илмий-оммабоп нашрлар, ўқув адабиётларига эҳтиёж катта, турли соҳаларга оид луғатлар, қомусий адабиётлар яратишни ҳам даврнинг ўзи талаб қилиб турибди. Ҳар бир зиёли жамиятимизда, айниқса, ёшларимизда теран тил туйғуси ва рост сўз севгиси барқарорлашмоғи учун масъул эканлигини бирор он унутмаслиги лозим. Ана шундай туйғу ва севги Ватанга бўлган адоқсиз муҳаббатнинг бешигидир.

Ўзбек тилининг давлат тили мақоми юртимиздаги бошқа миллатларга мансуб фуқароларни асло беҳузур қилаётгани йўқ, аксинча, улар ҳам давлат тилига эҳтиром кўрсатмоқдалар. Зотан, Конституциямизда мамлакатимиздаги барча фуқаролар тиллари ва маданиятларини ривожлантириш бўйича тегишли шароитларни яратиш кафолатланган.

Ҳозирги пайтда юртимизда етти тилда таълим олиб борилаётганлиги, бир қанча тилларда оммавий ахборот воситалари фаолият юритаётганлиги ана шу шароитларнинг амалий тасдиғидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан “Фуқаролар тотувлиги барқарорлигини, турли миллатлар вакиллари ўртасидаги тинчлик ва ҳамжиҳатликни таъминлашга, ватандошларимиз онгида кўп миллатли ягона оила туйғусини мустаҳкамлашга, миллий маданий марказлар ва дўстлик жамиятлари фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришга, хорижий мамлакатлар билан маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришга, мамлакатимизнинг жамият турли соҳаларидаги ютуқлари мазмун ва моҳияти тарғиботига, шунингдек, ушбу йўналишда бажарилаётган ишларни ва амалга оширилаётган чора-тадбирларни самарали мувофиқлаштиришга йўналтирилган давлат сиёсатини босқичма-босқич рўёбга чиқариш мақсадида” Байналмилал маданият маркази негизида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди.

Бу қўмитанинг асосий вазифалари қаторида “жамиятда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва бағрикенгликни таъминлашга қаратилган давлат сиёсатини изчил амалга ошириш, дўстлик ва кўп миллатли ягона оила туйғуси муҳитини мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш; мамлакатимизда яшовчи турли миллат ва элатлар вакилларининг ўзига хос миллий анъаналари, урф-одатлари ва расм-русумларини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга кўмаклашиш” каби эзгу ишлар қайд этилган.

Мазкур саъй-ҳаракатлар мамлакатимиз фуқароларининг кўп миллатли ягона оила туйғусини янада мустаҳкамлаш, ўз она ва давлат тилларига бўлган муҳаббат ҳамда эҳтиромларини саломат сақлаш, ўзаро ҳамжиҳатлик ва Ватанга садоқатдек улуғвор ниятлар ижобати учун хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шуни алоҳида таъкидламоқ жоизки, у ёки бу тил миллатнинг моҳиятини тайин қилиб, уни бирлаштирса, давлат тили айни пайтда муқаддас рамз сифатида мамлакатни ягона давлат ўлароқ жипслаштиради. Жон ва танимиз бўлган Ўзбекистонимиз байроғининг, юртдами, хориждами, қаерда бўлмасин, эркин ҳилпирашидан ҳузурланамиз, унинг янада юксалиши учун тинимсиз ғайрат қиламиз. Давлатимиз мадҳиясини чексиз-чегарасиз ифтихор билан, юрагимдаги чин тантана билан куйлаймиз. Гербимизда ҳам Ўзбекистон деган жаннатмонанд юртимизнинг жамоли ва камолини кўрамиз. Давлатимизнинг бу муқаддас ва муҳташам тимсоллари шу юрт фуқароларининг барчасини, миллатидан қатъи назар, бирлаштиради. Бу тимсоллар қаторида давлат тили ҳам шу юрт фарзандларининг барчасини якдил ва яккалам қилади.

Она тили байрами ана шундай муқаддас тимсоллардан бирини улуғлаш, унга яна бир бор эҳтиром изҳор этиш, юртимиздаги барча тилларга ҳурмат бажо келтириш, қисқача айтганда, халқ автопортретининг нурли ва ёрқин бўлиб бораётганлигидан ҳузурланиш шодиёнасидир.

Низомиддин МАҲМУДОВ,
ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори,
филология фанлари доктори, профессор.

Юртимизда яратилаётган кенг имкониятлар Токиода муҳокама қилинди

Япония пойтахтида мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар ва уларнинг натижалари, янги ташқи сиёсий йўналиш ҳамда Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ҳамда истиқболларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Тадбирда Японияннинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-академик ва ишбилармон доиралари вакиллари қатнашди. Улар 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳаётга татбиқ этилаётган иқтисодий ислоҳотлар, макроиқтисодий кўрсаткичлар, сармоявий муҳитни яхшилаш ва валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича республикамизда қабул қилинган янги қарорлар билан яқиндан танишдилар. Икки томонлама муносабатларни, хусусан, сармоявий ва сайёҳлик соҳаларидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

Япония вакиллари Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларга юқори баҳо беришар экан, хорижий валютани бозор механизмлари асосида шакллантирилган валюта курслари бўйича айирбошлаш йўлга қўйилгани миллий иқтисодиёт учун ўта муҳим аҳамиятга молик эканлигини айтишди. Улар томонидан алоҳида таъкидланганидек, бу қадам Япония бизнес ҳамжамиятининг ўзбек бозорида фаолият кўрсатишга бўлган қизиқишини янада оширишга катта туртки берди.

Жорий йилда Японияннинг йирик шаҳарларидан Самарқандга тўғридан-тўғри 10 та чартер ҳаво қатнови ташкил этилгани ҳам Кунчиқар мамлакатнинг ишбилармон доиралари вакиллари ўртасида ўзининг ижобий акс садосини берди.

Тадбир якунида “Жаҳон” ахборот агентлиги мухбири айрим иштирокчилар билан суҳбатлашди.

— Ушбу учрашув Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ўзгаришлар билан танишиш учун қулай имконият яратди, — дейди **Васеда университети профессори Тошихару Китамура**. — Давлатингиз раҳбарининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи катта акс садо берди, чунки ислоҳотлар ўтказилишининг очиқ ва либерал услуби бутун дунёда юқори баҳога сазовор бўлди.

Хиронори Фушита, Япония Халқаро муносабатлар институти департаментининг бошлиғи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Марказий Осиё бўйича эксперт:

— Бугун бўлиб ўтган брифинг боис Ўзбекистон Президентининг ислоҳотлари ҳамда республикага сармоя ва замонавий технологияларни жалб этишга нисбатан ёндашув ҳамда тамойиллари билан танишишга муяссар бўлдик.

Қадим-қадимдан, ҳатто Буюк Ипак йўли давридан буён мамлакатларимизни савдо ва маданий алоқалар боғлаб келади. Афсуски, япон бизнес ҳамжамиятининг айрим вакиллари Ўзбекистонда хорижлик сармоядорлар учун яратилган қулай шароитлардан тўла хабардор эмас. Шу нуқтаи назардан бундай учрашувларнинг ташкил этилиши айни муддаодир.

Масуми Хара, “РОТОБО” Россия ва МДҲ билан савдо бўйича Япония уюшмасининг корпоратив стратегия департаменти директори:

— Ташқи сиёсат ва иқтисодиёт борасида Тошкент юритаётган янги йўл ҳақидаги маълумотлар билан танишувдан қониқиш ҳосил қилдим. Миллий валютани эркин конвертация қилиш тизимига тўлиқ ўтилиши, шубҳасиз, Ўзбекистон ва бошқа давлатлар ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажмларининг кўпайишига туртки беради. Бундан ташқари, Марказий Осиё мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорликнинг фаоллашуви жуғрофий жойлашув ҳамда минтақа мамлакатларининг барча бозорига чиқиш нуқтаи назаридан Ўзбекистоннинг сармоявий шерик сифатидаги жозибадорлигини янада оширади.

«Жаҳон» АА.
Токио

КЎРГАЗМА

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида атоқли ёзувчи Чингиз Айтматовнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган кўргазма ташкил этилди. Ундан адиб қаламига мансуб асарлар, уларнинг ўзбек тилидаги таржимаси, ёзувчи ҳақидаги мақола ва рисолаларнинг электрон нусхалари, шунингдек, график ишланмалар ўрин олган.

Асарларга кўчган ҳайрат

Суратлар, мақолаларда буюк адибнинг ўзбек ёзувчилари билан ижодий ҳамкорлиги акс этган. Чингиз Айтматовнинг “Юзма-юз”, “Жамила”, “Сарвиқомат дилбарим”, “Бўтакўз”, “Биринчи муаллим”, “Момо ер”, “Сомон йўли”, “Алвидо, Гулсари”, “Оқ кема”, “Асрга татигулик кун”, “Қиёмат” каби ижод маҳсуллари ўзбек китобхонларининг севимли асарларига айланибгина қолмай, уларнинг айримлари театрларимиз томонидан ҳам саҳналаштирилган.

Ушбу кўргазма маънавий илдизлари бири-бирига туташ икки халқнинг дўстлиги, қардош-биродарлиги рамзидир.

Озода РАШИДОВА.

ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАР ВА БОЗОР МЕХАНИЗМЛАРИ

аграр соҳа истиқболида нурли уфқларни очади

Халқимиз она каломини энг муқаддас неъматларгагина қўшиб қўллайди: она-Ватан, она-табиат, она-тупроқ...

Дарҳақиқат, ер — бебаҳо бойлик. Аҳолининг муносиб ҳаёт кечириши, дастурхонимиз файзу баракаси ундан нечоғли оқилона фойдаланилишига боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги ислоҳ қилиниб, соҳага бозор муносабатларини жорий этиш, хусусий мулкчилик шаклини ривожлантириш, экин майдонларини ҳақиқий эгасига беришга қаратилган тизимли ишлар олиб борилаяпти. Президентимизнинг 2017 йил 9 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда шу йил 10 октябрдаги “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари фаолиятини янада ривожлантириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқаётир.

XALQARO PRESS KLUB

Халқаро пресс-клубнинг навбатдаги “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги: ислоҳотларнинг янги босқичи” мавзуидаги анжумани мазкур ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, аграр тармоқда эришилаётган ютуқлар, бой берилаётган имкониятлар таҳлилига бағишланди.

Ернинг ҳақиқий эгаси ким?

Шубҳасиз, бу — фермер. Чунки республикамизда деҳқончилик қилинадиган 3,5 миллион гектар ер майдони 166 мингта фермер хўжалиги ихтиёрига берилган. Давлатимиз томонидан яратилган қулай шарт-шароит, барқарор таъминот тизими уларнинг қишлоқдаги етакчи куч сифатида шаклланишида ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

— Илгари ер майдонларидан бир ёқлама фойдаланилгани оқибатида озиқ-овқат маҳсулотларининг тақчиллиги кузатиларди, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари Бахадир Тажиев. — Бунга истиқлол йилларида барҳам берилиб, пахта майдонлари босқичма-босқич камайтирилиши эвазига ғалла ҳамда бошқа озиқ-овқат экинлари ерлари кенгайтирилди. Натижада жуда қисқа даврда дон мустақиллигига эришдик. Бугун фермерларимиз томонидан етиштирилган нафақат дон, балки мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва бошқа ноз-неъматлар ички эҳтиёжимизни тўлиқ таъминлаб, экспорт ҳам қилинаётгани соҳадаги энг катта ютуқларимиздандир.

Чиндан ҳам, деҳқону фермерлар бугун аграр соҳа ҳамда у билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқларни ривожлантиришда етакчи кучга айланган. Эндиликда улар шартнома мажбуриятини бажариш билан кифояланиб қолмасдан, маҳсулот тайёрлаш сарф-харажатларини камайтириш эвазига таннархни арзонлаштириш, сифатни янада яхшилаш устида изланаётгани диққатга сазавор. Бироқ айрим фермерлар фақат пахта ва ғалла етиштириш билан чекланиб қолаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Ваҳолонки, қўшимча тармоқларни йўлга қўйиш эвазига кўпроқ даромад топиш, янги иш жойлари яратишни замоннинг ўзи тақозо қилаётир.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шарти

— Экин майдонларидан оқилона фойдаланиш озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади, — дейди Ўзбекистон Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Баҳодир Юсупов. — Шу боис Фармонда қишлоқ мулкдорлари, яъни деҳқонлар, фермерлар ва томорқачиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фаолиятини рағбатлантириш баробарида, масъулиятини ошириш вазифаси ҳам белгилаб берилди. Бундан буёғига кимки ер майдонларидан самарасиз фойдаланса, экинларни тўлиқ экмаса ёки агротехника тадбирларини ўз вақтида бажармаса, унга нисбатан ер участкасига эгалик қилиш ҳуқуқи бекор қилинишигача бўлган қатъий жавобгарлик чоралари кўрилади. Бундан кўзланган асосий мақсад — ер бўш турмасин, одамлар даромад олсин. Бир мисол, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жорий йилда ғалладан бўшаган 1 миллион гектардан ортиқ майдонга такрорий озиқ-овқат экинлари экилгани ҳисобига деҳқонларимиз мўмай даромад кўраяпти.

Мутахассисларнинг айтишича, юртимиз иқлим шароитида қишлоқ хўжалигининг барча тармоғини ривожлантириш имконияти бор. Ахир японлардек сув устига, хитойликлардек қум устига тупроқ ташлаб, деҳқончилик қилинмайди. Ёки Исроилдаги фермерлар сингари хориждан унумдор тупроқ келтиришга ҳам ҳожат йўқ. Заминимиз унумдор, сувимиз — зар. Қуёш йил — ўн икки ой ўз тафтини аямайди. Ана шундай қулай тупроқ-иқлим шароити туфайли ерга сепилган уруғ бехато униб чиқади. Шу маънода, фермер хўжаликларининг аксарият қисми бир йўналишда фаолият юритаётгани жиддий ўйлантирадиган масаладир. Бундай дейишимизнинг боиси ҳозирги пайтга қадар 40 мингта фермер хўжалиги кўп тармоқли фермер хўжалигига айлантирилган, холос. Қолганлари-чи?

Фармонда 2018 — 2021 йилларда барча фермер хўжаликлари босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантирилиши белгилаб берилган.

— Фармондан келиб чиқиб, олтита қонун ҳужжатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши кўзда тутилмоқда, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Тўлқин Эшназаров. — Масалан, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги ва “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонунлар мавжуд бўлса-да, кўп тармоқли фермер хўжалигининг мақоми белгиланмаган, деҳқон хўжаликларининг ваколатлари, ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятлари аниқ ва муфассал ифодасини топмаган. Шу нуқтаи назардан қонунчилигимизнинг такомиллаштирилиши ерга бўлган муносабатнинг тубдан ўзгаришига хизмат қилади.

Ҳаммаси ўзимизга боғлиқ

Ички бозорни ноз-неъматлар билан тўлдириш, экспорт ҳажмини оширишда 480 минг гектар томорқадан йилига уч мартагача ҳосил олаётган 4,5 миллион томорқачининг ҳиссаси катта, албатта. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан томорқа эгаларига қулай шарт-шароит, қўшимча имкониятлар яратиб берилаётгани ушбу жабҳа истиқболида нурли уфқларни очмоқда. Сабаби, томорқа ерларидан оқилона фойдаланиш, яъни таъминот, сервис ва савдо хизматларини тизимли йўлга қўйиш орқали озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини 2 баробар кўпайтириш мумкин экан.

Баҳодир Юсуповнинг айтишича, бугун мазкур йўналишда юқори натижаларга эришаётган ҳудудлар тажрибасини оммалаштириш чора-тадбирлари кўрилаётир. Олтинкўл туманидаги “Уйшун” МФЙ деҳқонларининг бугунги муваффақиятлари бунга мисол бўла олади.

Мазкур ҳудудда 500 дан ортиқ хонадонлар бўлиб, деярли барчасида агрофирмаларнинг молиявий кўмагида бир сотихли иссиқхона ҳамда ихчам товуқхона бунёд этилиб, аҳолининг доимий даромад манбаи яратилган. Чунки улар эҳтиёжидан зиёд қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини агрофирмалар сотиб оладиган тизим йўлга қўйилган.

Бугун ҳаётга татбиқ қилинаётган ана шундай янги бозор механизмлари одамларга кафтдек ердан мўмай фойда кўриш имконини туҳфа этаяпти. Бинобарин, жойларда очилаётган комплекс хизмат кўрсатиш марказлари, сайёр лабораториялар фаолияти ҳам, энг аввало, томорқачиларга ҳар томонлама кўмак беришга қаратилган.

Саид РАҲМОНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Qishloq Qurilish Bank

Бугунги кунда мамлакатимизда кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилаётгани, яъни давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойиллар ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ қилинаётгани иқтисодиётимиз, айниқса, унинг муҳим тармоғи саналган молия-банк тизимида сифат ўзгаришларига мустаҳкам асос бўлаяпти. Бинобарин, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида банклар фаолиятини такомиллаштириш, амалиётга замонавий механизмларни жорий этиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилган.

"Қишлоқ қурилиш банк" акциядорлик тижорат банки ҳам ушбу вазифалар ижросида фаол қатнашаётгани унинг молиявий хизматлар бозоридаги мавқеи янада ошишида қўл келаяпти.

«Қишлоқ қурилиш банк»: МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР ВА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Юқори натижалар омили

Айни пайтда мазкур молия муассасасининг республикамиз бўйича 42 та филиали, 40 та минибанки ҳамда 231 шохобчаси орқали 819 мингдан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга кенг кўламли банк хизматлари кўрсатилмоқда. Бунда ликвидлилик, ишончлилик, тўловга қобилиятлилик каби қатор асосий кўрсаткичлар барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилгани муҳим омил бўлаяпти. Сабаби, тизимли чора-тадбирлар натижасида 2017 йилнинг учинчи чораги якуни бўйича банк умумий капитали йил бошидагига нисбатан 85,6 фоиз ортиб, 919,3 млрд. сўмни ташкил қилди. Банкнинг соф активлари қолдиғи эса 16,6 фоиз ўсди.

Тижорат банкининг молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда ресурс базасини ривожлантиришга доир амалий чора-тадбирлар туфайли аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг депозитлари қолдиғи 22,1 фоиз, кредит қўйилмалари ҳажми 14,9 фоиз ошгани алоҳида эътиборга моликдир.

Эришилаётган ушбу ютуқлар халқаро миқёсда ҳам юксак баҳоланаётир. Хусусан, 2017 йилнинг 27 апрелида "Moody's Investors Service" халқаро рейтинг агентлиги томонидан банк фаолияти учун глобал рейтинг шкаласи бўйича берилган рейтинг баҳоси қайта тасдиқланиб, рейтинглар истиқболи "Барқарор" дея эътироф этилди.

Тадбиркорлик ривожи йўлида

Кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш "Қишлоқ қурилиш банк"нинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис мазкур соҳа истиқболига йўналтирилаётган маблағлар ҳажми тобора кўпайтирилмоқда. Мисол учун, жорий йилнинг 9 ойи давомида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 791,5 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди. Бу ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 119,2 млрд. сўм кўпдир.

Ушбу сармоялар жойларда янги бизнес субъектлари пайдо бўлиб, замонавий корхоналар ишга туширилиши, сервис хизматлари ривожланиши, пировардида аҳоли, айниқса, ёшлар ва хотин-қизлар бандлиги таъминланишида қўшимча имкониятларни туҳфа қилаяпти. Жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини бизнесга жалб этиш мақсадида 18,4 млрд., тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга 134,3 млрд., оилавий тадбиркорлик ҳамда касаначилик равнақига 107 млрд. сўмлик микрокредитлар берилди.

2017 — 2021 йилларда ҳудудларни комплекс ривожлантиришга оид дастурга биноан, банк молиявий кўмагида 830 та лойиҳа ҳаётга татбиқ қилиниши режалаштирилган бўлса, амалда ундан-да кўп, яъни 944 та лойиҳа рўёбга чиқарилиб, 7406 та иш ўрни яратилди. Бундай юқори натижа, айтиш мумкинки, 227,7 млрд. сўмлик кредит маблағлари мақсадли йўналтирилгани натижасида қўлга киритилди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ҳамда технологик жиҳатдан янгилаш, ижтимоий-иқтисодий инфратузилмани янада ривожлантириш, қишлоқ жойларда замонавий уй-жойлар барпо этиш билан боғлиқ инвестициявий лойиҳалар ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ. Ушбу йўналишларга 963 млрд. сўмликдан ортиқ инвестициявий кредитлар ажратилиб, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва коммуникация, қурилиш, моддий-техника таъминоти, маиший хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳаларда қатор истиқболли лойиҳалар ижроси таъминланди.

Кўриниб турибдики, "Қишлоқ қурилиш банк" АТБ жамоаси мижозларнинг талаб-истакларидан келиб чиқиб, замонавий ҳамда қулай хизматларни йўлга қўйиш орқали республика банк-молия секторида кечаётган шиддатли янгиланиш жараёнларидаги иштирокини янада кенгайтиришга интилмоқда. Бу эса муваффақиятларга асос бўлаяпти.

Бунёдкорлик ва ободлик

Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги "2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида"ги қарори қурилиш жабҳасида тамомила янги даврни бошлаб берди, десак, муболаға бўлмайди. Сабаби, мазкур ҳужжатга мувофиқ, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш, сифатли қурилиш материалларидан фойдаланиб, кўркам уй-жойлар қуриш орқали чекка ҳудудларнинг замонавий қиёфасини яратишга қаратилган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. "Қишлоқ қурилиш банк" ушбу эзгу саъй-ҳаракатларнинг асосий молиявий мададкорларидан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, 2017 йилда 6985 та уй-жой қурилиши мазкур банк томонидан молиялаштирилаяпти. Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 446,1 млрд. сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ҳамда 155,4 млрд. сўм миқдоридаги аҳоли маблағлари ҳисобидан жами 601,5 млрд. сўм инжиниринг компаниясининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиб берилди. Шунингдек, Бухоро ва Наманган вилоятларида қурилиши режалаштирилган, умумий қиймати 342,1 млрд. сўмлик бўлган 2242 та уй-жой эса Ислом тараққиёт банки (ИТБ) маблағлари ҳисобидан молиялаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, бугунги кунда 60 млн. АҚШ доллари жалб қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 2 мартдаги "Осиё тараққиёт банки иштирокида 2017 — 2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бунёдкорлик ишларига халқаро молия институтларини кенг жалб этиш имконини бермоқда. Унинг ижроси доирасида жорий йилнинг 6 июлида "Қишлоқ жойларда уй-жойлар қурилишини ривожлантириш" лойиҳаси 2-фазасини молиялаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси билан Осиё тараққиёт банки ўртасида умумий қиймати 500 млн. АҚШ долларилик битим имзоланган бунинг яққол далилидир.

Таъкидлаш керакки, бу йил аҳолининг талаб ва истакларидан келиб чиқиб, қўшимча равишда 4610 та арзон уй-жой қурилиши белгиланган бўлиб, шундан 1366 таси "Қишлоқ қурилиш банк" иштирокида молиялаштирилиши кўзда тутилган. Бугунги кунда ушбу ишлар жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Ишонч ортмоқда

Халқ билан мулоқот қилиш, янги, замонавий ва қулай банк хизматларини жорий этиш "Қишлоқ қурилиш банк" томонидан Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида амалга ошириладиган комплекс чора-тадбирларнинг туб негизини ташкил қилади. Бунда мижозларнинг талаб-истаклари энг асосий мезон сифатида белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, ахборот-коммуникация технологиялари асосида операторсиз, масофадан банк хизматларини кўрсатиш тизимига уланиш шартлари ҳамда банк мижозларига ўз ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари қолдиқлари, маблағлар айланмаси тўғрисида маълумотлар тақдим этиш, банк хизматидан фойдаланиш учун аризалар ва бошқа ҳужжатларнинг электрон шаклини расмий веб-сайт орқали тақдим қилиш йўлга қўйилгани диққатга сазовор.

"Интернет-банкинг" хизматидан фойдаланувчи юридик шахсларга янада қулайлик яратиш мақсадида эса "Корпоратив интернет-банкинг" янги тизими жорий этилди. Эндиликда юридик шахслар ҳам масофадан туриб ўз ҳисоб рақамлари орқали тўлов топшириқномаларини янада тезкор равишда ўтказиш, тўлов ҳужжатлари намуналари ҳамда архивини яратиш ва ҳисоботларни автоматик равишда шакллантириш имкониятларига эга бўлдилар. Натижада 2017 йил 30 сентябрь ҳолатига кўра, "Интернет-банкинг" тизимидан фойдаланувчилар сони 2939 нафарни, "SMS-банкинг" хизмати фойдаланувчилари 68895 нафарни, "Мобиль банкинг" фойдаланувчилари сони эса 3992 нафарни ташкил қилди.

Шуниси аҳамиятлики, жорий йилнинг ўзида аҳоли учун даромадли ҳамда жозибали бўлган 17 та омонат тури жорий этилгач, банк омонатчилари сони 82098 нафарга етди. 37 та доимий омонат турига жалб қилинган маблағлар ҳажми эса 283,5 млрд. сўмни ташкил этди. Омонатларнинг сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи ҳимояси доимий назоратда эканлиги, маблағлар мижозларнинг биринчи талаби билан қайтариб берилиши таъминланаётгани аҳолининг банкка бўлган ишончини тобора мустаҳкамлаётир.

Вақтни ҳам, нақдни ҳам тежайди

Бугун банк пластик карточкасининг афзалликларини изоҳлашга ҳожат йўқ. Сабаби, у ҳар томонлама қулайлиги боис кундалик ҳаётимизда кенг фойдаланиладиган муҳим тўлов воситасига айланди. Айни пайтда "Қишлоқ қурилиш банк"нинг муомаладаги пластик карточкалари умумий сони 684 068 тани, жойларга ўрнатилган терминаллар сони эса 12 865 тага етгани бунга яққол мисолдир.

Банк томонидан 2017 йилнинг ўтган даврида қўшимча равишда 3100 та терминал ҳамда 110 000 та пластик карточка олиб келиниб, банк филиалларига етказилди. Бундан ташқари, 30 та инфокиоск келтирилдики, пировардида банкнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи инфокиосклар тармоғи 180 та инфокиоск ва 5 та банкоматга етказилди. Айни пайтда ушбу қурилмалар орқали барча турдаги тўловни амалга ошириш имконияти мавжуд.

Шу ўринда пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда, ҳисоб-китобларни амалга оширишда янада қулайликлар яратиш мақсадида "QQB-Mobile" мобиль иловаси ишга туширилгани, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш мақсадида "виртуал терминал" тизими йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Эндиликда бундай қулайликлар омонатчилар учун ҳам тақдим қилинаяпти. Гап шундаки, банк тизимида янги "Depozit Banking" хизмати йўлга қўйилди. Унинг ёрдамида мижоз ўз депозит ҳисобварағидаги маблағлар доирасида нақдсиз амалиётларни банк муассасасига келмасдан, шахсий мобиль телефони орқали бажариши, омонатлари бўйича маълумот олиши мумкин. Шунингдек, ҳисобланган фоизларни чиқим қилиш, муддати тўлган омонатларни тўлиқ ёки қисман қайта расмийлаштириш, уни нақдсиз ёпиш каби амалиётларни ҳам бажариш имконияти мавжуд.

Банк ахборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

МИЖОЗЛАР ЭЪТИРОФИ

Мирзабек РЎЗИМЕТОВ,
"М. Б. Рўзиметов" хусусий клиникаси раҳбари
(Хоразм вилояти):

— Хоразмлик ҳамда қорақалпоғистонлик беморлар имплантология каби жарроҳлик амалиётлари учун Тошкент шаҳрига боришига тўғри келар эди. Аҳолига қулайликлар яратиш, замонавий тиббий хизматлар кўламини кенгайтиришга қарор қилдик. Аммо бу жараёнда қўшимча молиявий маблағга зарурат сезилди. Ушбу масалада "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Хоразм вилояти минтақавий филиали яқиндан ёрдам бериб, қарийб 1 млрд. сўмлик кредит ажратгани туфайли лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди.

Берилган маблағ ҳисобига тиббий хизмат кўрсатиш учун бино ҳамда замонавий асбоб-ускуналар сотиб олдик. Ҳозир янги дастур доирасида имплантология маркази очаяпмиз. Яратилган қулай шароитлардан мижозларимиз мамнун бўлмоқда. Бизни молиявий қўллаб-қувватлагани учун "Қишлоқ қурилиш банк"дан миннатдормиз.

Муратбек ТАНИРБЕРГЕНОВ,
"Muratbek mebel" МЧЖ бош директори
(Қорақалпоғистон Республикаси):

— "Қишлоқ қурилиш банк"нинг 700 млн. сўмлик кредити эвазига бизнес фаолиятимизни кенгайтириб, янги ва замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Гап шундаки, банк кўмаги билан Германиядан мебелсозлик учун илғор технологик ускуна олиб келиш баробарида, зарур хом ашё ҳамда иккиламчи материаллар маҳсулотларини харид қилдик. Натижада яна 15 нафар кишини доимий иш билан таъминладик. Демоқчи бўлганим, бизнес соҳасида эришаётган ютуқларимизда "Қишлоқ қурилиш банк"нинг молиявий мадади катта. Келгусида ҳам ушбу банк билан ҳамкорликни давом эттириш ниятидамиз.

Фойдаландингизми, ҳақини ҳам тўланг

Кейинги пайтларда истеъмолчилар орасида электр энергияси ва табиий газдан қарзларни тўлашда жонланиш кузатилдики, бу пировардида Давлат бюджети, халқимиз турмуш фаровонлигига сезиларли таъсир кўрсата бошлади. Ахир уйингизни чароғон, турмушингизни фаровон этаётган бу неъматлар машаққатли меҳнат, катта харажат маҳсули ҳисобланади. Шундай экан, истеъмол қилинган газ ҳамда электр энергияси учун тўловлар ўз вақтида амалга оширилса, сарфланган маблағлар қопланиб, у, ўз навбатида, корхоналарни модернизациялаш, янги қувватларни ташкил этиш, истеъмолчиларга кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш каби қатор мақсадларга йўналтирилади.

ЖАРАЁН

Президентимизнинг жорий йил 29 майдаги "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда 30 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори тизимдаги ишларни янги босқичга кўтаришга қаратилган.

Бу билан энергия ресурсларини етказиб берилиши ва уларнинг истеъмол қилинишини ҳисобга олишнинг тўлиқлиги ҳамда ҳаққонийлиги бўйича ҳисоб-китоб юритишнинг янги шаклига ўтилди. Чунки Бюрога етказиб берилган энергия ресурслари учун қарздорликни юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисоб рақамларидан сўзсиз ундириш бўйича мажбурий топшириқномаларни қўйиш, энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги қарздорликни истеъмолчиларнинг ойлик маошидан ушлаб қолиш ҳақида иш берувчиларга бажарилиши мажбурий бўлган талабномалар юбориш каби ваколатлар берилди.

Шундай қилиб, эндиликда жисмоний шахслар ҳар ойнинг ўнинчи санасига қадар ўтган ойда фойдаланилган энергия ресурслари учун тўлиқ ҳисоб-китобни амалга оширишлари шарт. Ушбу муддат ўтиб кетгандан сўнг қарздорлик ҳолати аниқланса, у электр энергияси ҳамда табиий газ тармоқларидан мажбурий тартибда узиб қўйилади. Юридик шахсларга эса энергия ресурсларини етказиб бериш юз фоизлик олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириладиган бўлди. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳолларда, мазкур истеъмолчиларга нисбатан электр ва газ тақсимлаш тармоқларидан тўлиқ узилишгача бўлган чоралар кўрилади. Тармоққа уланиш учун эса жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида, юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридаги тўловни амалга ошириш талаб этилади.

Лекин ўтказилаётган текширишлар чоғида жойларда бу каби тартиб-қоидаларга тўлиқ амал қилинмаётган ҳолатлар ҳам аниқланмоқда. Масалан, Андижон вилояти прокуратурасидан олинган маълумотларга кўра, "Водийгазтаъминот" унитар корхонасининг Андижон шаҳар филиали, "Андижон ёғ-мой" ҳамда "Андижон биокимё заводи" акциядорлик жамиятлари мансабдор шахслари мазкур корхоналарга тортилган юқори босимли табиий газ тармоғига 2016 йилнинг июнь ойида шаҳарнинг 7 та маҳалласидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг ўзбошимчалик билан уланиб, хатлов кунигача ноқонуний фойдаланиб келишларига шароит яратиб беришган. Оқибатда 10 миллиард 350 миллион сўм миқдоридаги 42 миллион куб метр ҳажмдаги табиий газ талон-торож этилган. Хусусан, Ўзбекистон маҳалласидаги хонадонлар 2013 йили суюлтирилган газ таъминотига ўтказилган бўлса-да, ҳудуддаги 60 та хонадон "Андижон ёғ-мой" АЖга қарашли юқори босимли табиий газ тармоғига ўзбошимчалик билан уланиб олган. Барча ҳолат бўйича мутасадди шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилган.

Бу каби мисолларни яна келтириш мумкин. Бироқ барчамиз, аввало, истеъмолчи маданиятига риоя қилган ҳолда, электр энергияси ҳамда табиий газ ресурсларидан оқилона фойдаланишни, ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишни, талон-торожлик ҳолатларига нисбатан муросасиз муносабатни одатга айлантирмоғимиз лозим. Шундагина юртимиз ривожига, оз бўлса-да, ҳисса қўшган бўламиз.

Голибжон АБДУЛЛАЕВ.

ЭЪЛОН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ

Тошкент вилояти божхона бошқармасининг «Навоий» чегара божхона постига 20 кВт қувватга эга фотоэлектр станцияни сотиб олиб ўрнатиш бўйича танлов эълон қилади.

Танловга тижорат таклифлари ёпиқ конвертларда эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Тижорат таклифларида қуйидагиларни кўрсатиш лозим:

- тижорат таклифи;
- ташкилотнинг устави, гувоҳнома ва лицензияси ҳамда ташкилот раҳбарининг паспорт нусхалари;
- бажариладиган ишнинг кафолат муддати;
- тўлов шартлари.

Қўшимча маълумот ва танлов ҳужжатларини олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Дархонтепа кўчаси, 7-«А» уй. Телефон: (0-371) 120-86-25.

1308A/466

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Афв этиш масалалари бўйича комиссияси Комиссия раиси Адҳам Хурсанбаевич Шадмановга отаси **ХУРСАНБОЙ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 76 181 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.45 Топширилди — 01.00 1 2 3 4 5 6